



"Халқаро
асарчилик
форуми 2019"

3



Шаҳар кўригига
кўрк қўшаётган
банк

5



Жаҳон бозорида
харидоргир
маҳсулотлар

6



"Ўзмилийбанк"
йирик лойиҳаларни
молиялаштирмоқда

7



Долларнинг
мавқеи
тушадими?

10

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 41 (1220)

2019 йил 24 октябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодini телефонингиз орқали сканер қилинг



ТАДБИР



ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ

Маълумки, жорий йилнинг 19 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруvinинг қарори билан қайта молиялаш ставкаси йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.



(Давоми 2-саҳифада)

АНЖУМАН

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида пластик картадаги пуллари қинғир йўллар билан ўзлаштириб олаётган "уддабуронлар" ҳақидаги маълумотларни тез-тез учратаймиз. Бу эса, ҳар бир кишида оз бўлса-да хавотир уйғотади. Хўш, пластик карталаримиз хавфсизлиги қай даражада таъминланган?

Пойтахтимизда "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ томонидан "Нақд пулсиз амалиётлар: янги технологиялар ва хизматлар" мавзусидаги матбуот анжуманида шу каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги "Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган тадбирни "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Алишер Муратов кириш сўзи билан очиб берди.

"НАҚД ПУЛСИЗ АМАЛИЁТЛАР: ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ХИЗМАТЛАР"



(Давоми 3-саҳифада)

ЭЪТИРОФ

"Global Capital" фикрича

**"2019 ЙИЛНИНГ
ЭНГ ЯХШИ
МОЛИЯ ВАЗИРИ"**



Буюк Британиянинг нуфузли "Global Capital" нашри бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон молия вазири, Жамшид Кўчқоровни "Марказий ва Шарқий Европа минтақаси бўйича (шу жумладан, МДҲда) 2019 йилнинг энг яхши молия вазири" деб эътироф этди.

Таъкидланишича, ушбу эътироф Давлат раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини намоён қилаётганлиги туфайли берилган.

Адлия вазирлиги жамоаси ушбу эътироф билан Жамшид Кўчқоровни, қолаверса иқтисодий соҳалардаги ислохотларда ўз хиссасини қўшаётган барча мутахассисларни муборакбод этади.

Маълумот учун: "Global Capital" – молия ва инвестициялар соҳасидаги онлайн нашр. 2014 йилда "Euroweek" журналинин капитал бозорида "Asiamoney", "Total Securitization", "SSA Market" каби муҳим нашрлар билан бирлаштириш натижасида ташкил этилган.

ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)



Жорий йилнинг 21 октябрь куни Марказий банкда мазкур қарорнинг аҳамияти ва моҳияти хусусида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқулов ҳамда Марказий банк департамент вакиллари иштирок этиб, мазкур қарорни қабул қилишда иқтисодиётда инфляция ва инфляцион кутилмалар динамикасининг сақланиб қолиши, бир марталик инфляцион шокларнинг юзага келиши шароитида фоиз ставкаларини янада оширишда хорижий валютадаги кредитлар ўсиши ҳамда кредит бозорида сегментациянинг кучайиши борасидаги айрим хавотирларнинг мавжудлиги ва тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш вазифаларини инобатга олиб, эҳтиёткорона ёндашувни қўллаш заруриятидан келиб чиқиб белгиланганлиги қайд этилди.

Куйида мазкур қарорнинг шарҳини келтириб ўтмоқчимиз.

Жорий йилнинг дастлабки 7 ойида иқтисодиётда инфляцион жараёнлар базавий прогноз сценарийсига асосан ривожланиб борди. Мазкур сценарийда истеъмол нархларининг йиллик ўсиш прогнози 13,5-15,5 фоиз оралиғида бўлиши назарда тутилган эди.

Лекин, жорий йилнинг III чорагида муқобил сценарийда назарда тутилган алоҳида инфляцион хатарлар вужудга келди ва инфляциянинг тезлашишига сабаб бўлди.

Инфляция ва инфляцион кутилмалар. Жорий йилнинг 9 ойида республика бўйича истеъмол нархлари ўртача 9,7 фоизга ўсди.

Айни пайтда, шу йилнинг январь – июль ойларида йиллик инфляция ўртача ҳисобида 13,5-13,7 фоиз даражасида сақланиб қолган бўлса, август ойида инвестицион кредитлар ва давлат харажатлари ошишининг тезлашиши, сўм девальвацияси билан изоҳланадиган фундаментал омиллар ҳамда электр энергияси ва газ нархларининг оширилиши, иш ҳақи ва пенсия тўловларининг индексация қилиниши билан юзага келадиган қисқа муддатли омилларнинг таъсири ҳисобида 16,5 фоизгача кўтарилди ва прогноз коридоридан юқори бўлди.

Сентябрь ойида йиллик инфляция 16 фоизгача секинлашди. Бу эса юқорида санаб ўтилган омиллар асосан вақтинчалик характерга эга эканлигини тасдиқлайди. Жорий йилнинг қолган даврида бир марталик шоклар таъсирининг аста – секин камайиб бориши шароитида истеъмол нархлари ўсиш суръати босқичма-босқич секинлашади ва прогноз коридорининг юқори чегараси – 15,5 фоизга яқин даражада шаклланади.

Шунингдек, бир қатор импорт товарларига ҚҚС бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши, ун ва нон

нархларининг эркинлаштирилиши ҳисобида октябрь ойида инфляция даражасининг бир мунча тезлашиши тахмин қилинмоқда.

2019 йилнинг ўтган даврида шаклланган йиллик инфляция даражасига асосан озиқ-овқат нархлари ва хизматлар тарифлари (тартибга солинадиган нархлар) ошиши ҳисобида вужудга келди. Мазкур нархлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 17,5 ва 19,5 фоизга ошди. Бунда, январь-сентябрь ойларида истеъмол нархлари индекси ошишига энг катта улуш хизматлар тарифлари ошиши ҳиссасига тўғри келади (жорий йил 9 ойида 4,3 фоиз банд, ўтган йилнинг 9 ойида 2,6 фоиз банд бўлган).

Жорий йилнинг август ойида қисқа муддатли омиллар (тартибга солинадиган тарифлар ва нархларнинг оширилиши, иш ҳақларини индексация қилиниши) таъсири сабабли қисқа муддатли инфляцион кутилмаларнинг маълум даражада ошиши рўй берди, лекин сентябрь ойи охирига келиб уларнинг трендида пасайиш кузатилди.

Шу билан бирга, сентябрь ойида ўрта муддатли инфляцион кутилмалар пасайиши, қисқа муддатли кутилмаларга нисбатан секин бўлди. Бу, асосан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари кутилмалари шаклланишининг мослашувчан хусусиятга эга эканлиги ҳамда уларда келгусида нархлар ошиши борасида ноаниқликларнинг сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Ушбу йилнинг 9 ойида макроиқтисодий шароитлар ички талабнинг юқори ўсиш суръатлари таъсирида шаклланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг реал ўсиш суръати ўтган икки чоракдаги кўрсаткичлар даражасида

сақланиб қолади. Бунда, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни фаол кредитлашнинг амалга оширилиши ва давлат харажатларининг ўсиши ҳисобида шаклланган талаб омиллари иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлди.

2019 йилнинг июль-август ойларида ички ва ташқи омиллар таъсирида хорижий валютага талабнинг жадаллашуви кузатилди ва натижада, миллий валюта девальвацияси тезлашди. Хусусан, 2019 йил январь-июль ойларида доллар алмашув курси 4 фоизга ошиб, ойлик ўсиш суръати ўртача 0,6 фоизни ташкил этган бўлса, август ойида алмашув курсининг кескин ўсиши (8,2 фоиз) кузатилди. Айни пайтда, сентябрь ойига келиб доллар алмашув курси яна ўзининг олдинги трендига қайтди ва ойлик ўсиш суръати 0,5 фоизгача секинлашди.

Пул-кредит сиёсати. Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи 38,3 фоизга (38,6 трлн. сўмга) ўсди. Бунда, миллий валютада кредитлар йил бошидан 34,3 фоизга ошди. Ушбу кредитлар 2018 йилнинг мос даврида 61,1 фоизга ўсган эди.

самарадорлигини янада оширишга ёрдам беради.

Мазкур даврда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг миллий валютадаги мuddатли депозитлари ўсиши 43,6 фоизни ташкил қилди. Ушбу депозитларнинг жами миллий валютадаги депозитлар таркибидаги улуши 33 фоизга етди (2018 йилнинг мос даврида – 23,5 фоиз).

Прогноз ва хатарлар. Қайта молиялаш ставкасининг янада оширилиши имтиёзли кредитлаш мезонларига мос келмайдиган иқтисодиёт тармоқлари учун пул-кредит сиёсати шароитларининг янада қатъийлашишига олиб келиши мумкин.

Иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида, нафақат нархлар барқарорлигини, балки молиявий барқарорликни ҳам таъминлаш мақсадида Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишнинг эҳтиёткорона ёндашувини танлаш зарурати туғилади ва бу макроиқтисодий мувозанатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўз навбатида, макропруденциал чоралар кредитлар ўсиш суръатларини секинлаштириб, пул-кредит сиёсати мақсадларига хизмат қилади.

Шунинг учун қайта молиялаш



Пул-кредит сиёсати шароитлари кредитлар бозорига турли хил таъсирга эга бўлиб, миллий валютадаги тижорат кредитларининг ўсиш суръатида маълум даражада секинлашиш кузатилаётган бўлса, чакана кредитлар (истеъмол кредитлари) ажратилишида бир мунча юқори ўсиш суръатлари билан таснифланади. Шунингдек, нисбатан паст фоиз ставкалари шароитида хорижий валютадаги кредитлар ўсишининг тезлашиши кузатилди.

Валюта ва чакана кредитларнинг пул-кредит сиёсати шароитлари ўзгаришига кам таъсирчанлиги сабабли, Марказий банк пул-кредит сиёсати самарадорлигини янада ошириш макропруденциал назорат чораларини қўллашни фаоллаштиришни тақозо этади.

Бундан ташқари, иқтисодиётда фоиз ставкаларининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши ҳамда бир вақтнинг ўзида кредитлаш шартлари ва механизмларининг бозор ёндашувлари асосида такомиллаштирилиши трансмиссион механизм “кредит канали” ишлаши

ставкасининг ҳозирги даражасида ўзгаришсиз қолдирилиши билан бир пайтда Марказий банк молиявий бозор нобарқарорлигининг олдини олиш ва бутун иқтисодиётдаги молиявий мувозанатни таъминлаш мақсадида банкларнинг юқори кредитлаш фаоллигини тийиб туришга қаратилган макропруденциал назорат чораларини кўради.

Шунингдек, бугунги кунда Марказий банк қайта молиялаш ставкаси миллий валютадаги депозитлар ва кредитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкаларини таъминлаб берувчи, иқтисодиёт учун мақбул даражада шаклланган.

Кредитлаш суръатларининг янада мўтадиллашишини, шунингдек олдинроқ вужудга келган инфляцион хатарлар (иш ҳақи ва пенсияларнинг индексация қилиниши, электр энергияси ва газ тарифларининг кўтарилиши, сўм девальвацияси)ни ҳисобга олган ҳолда йил охиригача инфляциянинг секинлашиши ва базавий прогноз коридорининг 15,5 фоизли юқори чегарасига яқин даражада шаклланиши кутилмоқда.



“НАҚД ПУЛСИЗ АМАЛИЁТЛАР: ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ХИЗМАТЛАР”

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундан сўнг Банк карталари бизнесини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Жаҳоҳир Алимов мазкур қарор ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Хусусан, банк томонидан шу давргача “НУМО” тўлов тизими карта ва тўлов терминаллари амалиётга кенг жорий этиш мақсадида 27 мингта карталар ва саккиз мингдан ошқ терминаллар мижозларга етказилди. Ҳозирда тўлов карталарини эмиссия қилиш бўйича Миллий банкларро процессинг марказига буюртма берилган ҳамда “НУМО” карталарини марказлашган ҳолда чиқариш чоралари кўриломоқда.

Қолаверса, тадбирда банк тизимидан масофавий банк хизматларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳам таъкидланди. Жумладан, жисмоний шахсларга “Депозит-банкнинг”, “SMS-хабарнома”, “Мобил-банкнинг” хизматлари, юридик шахсларга эса “SMS-банкнинг”, “Интернет-банкнинг”, “Мобил банкнинг” хизматлари кўрсатилаётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, банкнинг ҳудудларда 24/7 режимида, кечаю кундуз, ходимсиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тармоғи тобора кенгайиб, уларнинг сони 35 етди. Мазкур шохобчалар замонавий банк хизматларини кўрсатувчи банкоматлар, инфокиоск қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, доллар ва евро каби хорижий пул бирикларини кечаю кундуз сўмга айирбошлаш имконини берувчи банкоматлар ҳам ишга туширилган. Аҳамиятлиси, мазкур 24/7 банкоматларда дунёнинг етакчи халқаро тўлов тизимлари – VISA, Mastercard, Unionpay, МИР карточкаларига хизмат кўрсатиш амалиёти ҳам жорий этилган.

– Банкнинг “QQB-mobile” мобил иловаси янада такомиллаштирилмоқда, – дейди Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи ўринбосари Улуғбек Исломов. – Ушбу илова орқали банк пластик карточкалари ҳисобварақларидан турли

тўловларни амалга ошириш, жумладан, телефон алоқаси, интернет, кредит тўловлари ва он-лайн конверция операцияларини ўтказиш имконияти мавжуд. Ҳозирда мазкур илова ёрдамида он-лайн кредит, QR-код орқали тўлов, ХПУ ўтказмалари каби хизматларни йўлга қўйиш устида ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга “QQB Mobile” мобил иловаси тизимида “НУМО” банк карталари орқали тўловларни амалга ошириш функциялари тўлиқ ишга туширилди. Жумладан, “P2P” ўтказмалари, кредитларни сўндириш, конверсия амалиётларини бажариш ва бошқа хизматларни амалга ошириш ишлари якунланди.

Тадбир давомида пластик карталар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам сўз юритилди. Бу ҳақда У. Исломов куйидагиларни маълум қилди:

– Банкимиз томонидан мижоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг карталарини ҳавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар кўриломоқда. Айнан “НУМО” карталарининг ҳам амалиётга жорий этилиши бу борадаги муҳим қадамлардан дейиш мумкин. Шунингдек, халқаро карталарни фирибгарлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳозирда жаҳонда илғор ҳисобланган 3D Secure технологиясини кенг қўлламоқда. У Операцияни амалга ошираётган карта эгасини идентификация қилиш ва карта бўйича фирибгарликни максимал даражада камайтириш имкониятини беради. 3D Secure технологияси ҳавфсизликнинг қўшимча даражаси бўлиб, у мижозларга карта ва унинг маълумотлари йўқолган ёки ўғирланган тақдирда фирибгарликдан сақланишларида қўл келади. Шунингдек, мижозлар 3D Secure технологияси ёрдамида қўшимча паролдан фойдаланиб, бир қанча халқаро хизматлардан фойдаланишлари мумкин.

Тадбир сўнггида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ фаолиятининг келгусида мазкур йўналишдаги асосий ишлари ҳақида маълумотлар берилди ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларига жавоблар қайтарилди.

Рустам ПЎЛАТОВ

“ХАЛҚАРО АСАЛАРИЧИЛАР ФОРУМИ 2019”

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан асаларичилик соҳасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳага илғор тажрибаларни тадбиқ этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда асаларичиларнинг лойиҳаларини молиялаштириш бўйича “Алоқабанк” АТ мазкур соҳага масъул банк этиб тайинланган.

Шунингдек, асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни республикамизнинг барча ҳудудларида тадбиқ этиш мақсадида “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси ташкил этилган.

Сўнгги йилларда “Алоқабанк” АТ ва “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси томонидан соҳани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 5-10 октябр кунлари Ўзбекистон Республикасида “Халқаро асаларичилар форуми 2019” бўлиб ўтди. Мазкур форум Каспий денгизи соҳилида жойлашган “Леззет” санаториясида ташкиллаштирилди.

Россия Федерациясининг 17 та ҳудуди ва бошқа 7 та давлатлар қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам ушбу форумда ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Форумдан кўзланган асосий мақсад асаларичилик соҳасини янада ривожлантириш, мамлакатлар ўртасида мазкур соҳа бўйича билим ва тажрибалар алмашиш ҳамда асаларичиликда юзага келаётган турли

хил касалликларни олдини олишга қаратилди. Бундан ташқари бутун дунё бўйлаб асалариларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.



Умумий ҳисобда форумда 500 дан ортиқ иштирокчилар қатнашишди. Форум якунида иштирокчилар турли номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Қувонарлиси, Ўзбекистон делегацияси биринчи мартаба иштирок этишига қарамасдан “Мавсумнинг энг яхши асали 2019” номинациясида фахрли 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳамюртларимиз асалари оиласини етказиб бериш бўйича умумий миқдори 1 400 000 АҚШ долларига тенг бўлган шартнома имзолашга ҳам муваффақ бўлишди.

САРҲИСОБ

ХАЛҚ БАНКИ: МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭЪТИБОРДА

Халқ банки томонидан ўтган 2018 йилда ҳукумат кафолати остида шу соҳага Халқаро тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ресурс маблағлари жалб этилган.

Бугунги кунга қадар банк томонидан мазкур жалб этилган ресурс маблағлари ҳисобидан мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига 48,4 млн. АҚШ долларидадан ортиқроқ кредит маблағлари ажратилди ҳамда ресурс маблағини тўлиқ ўзлаштириш бўйича лойиҳалар молиялаштирилиши давом этмоқда.

Жумладан, замонавий иссиқхонлар ташкил қилиш учун 55 та лойиҳага 40,7 млн. АҚШ доллари (шундан 13 та лойиҳага 13,7 долларлик маблағлар гидропоника усулидаги иссиқхона лойиҳалари), сиғими 6400 тоннадан ортиқ бўлган 24 та лойиҳага 5,8 млн. АҚШ доллари совуткичлар ташкил этиш учун, интенсив боғ барпо этиш учун 2 та лойиҳага 700 минг АҚШ доллари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва

қадоқлаш учун 5 та лойиҳага 1,1 млн. АҚШ долларидадан ортиқроқ кредит маблағлари ажратилди.

Натижада республикамизда жами 95,1 гектар майдондаги замонавий иссиқхона мажмуалари, 6,4 минг тоннадан ортиқ совуткичли сиғимлар, 27,2 гектар майдондаги интенсив боғлар ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорларга катта имкониятлар яратилди.

Бугунги кунга келиб, мазкур лойиҳаларнинг 29 таси ишга туширилган бўлиб, шундан 14 та иссиқхонада биринчи экинлар экиб бўлинган, 12 та совуткичда мева-сабзавот ва полиз экинлари сақланиши йўлга қўйилган, 2 та қайта ишлаш ва 1 та ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар йўлга қўйилди ва 150 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

Банк Ахборот хизматлари

ҚАЙСИ БАНК ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари ва Марказий банки Раиси томонидан 2019 йил 23 январда тасдиқлаган, Тижорат банкларининг 2019 йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган "Йўл харита"сининг 21 ва 22 бандларига асосан ишлаб чиқилган Методология мезонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси банклари Ассоциацияси ва "Ahor-Reyting" Рейтинг агентлиги томонидан тижорат банкларининг 2019 йил 9 ойлик инвестицион фаоллик даражаси ўрганилди.

Унга кўра, 2019 йилнинг 9 ойи якуни бўйича тижорат банкларини инвестицион фаоллик рейтингини аниқлаш, банклардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни умумлаштириш натижасида аниқланди.

Жорий йилнинг 1 октябры ҳолатига Республикада фаолият юритаётган 30 та тижорат банкидан 26 та банк томонидан 16 590 та 117 369,4 млрд. сўмлик инвестицион лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинган. Танлаб олинган лойиҳаларни 3 515 таси ёки 10 034,6 млн. АҚШ долларилик объектларни хорижий кредит ҳисобидан (шу жумладан, 2 354 та объект ёки 4 818 млн. АҚШ долларилик банклар томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ҳисобига) молиялаштириш режалаштирилган. 22 553 млрд. сўмлик 13 076 та лойиҳа миллий валютада, шу жумладан, 18 234 млрд. сўмлик 10 687 та лойиҳа

банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган.

Тижорат банклари томонидан молиялаштириш учун танлаб олинган жами инвестицион лойиҳаларни 3 526 млрд. сўмлик 1 007 та объектни сотиб олиш учун, 38 530 млрд. сўмлик 4 763 та объектни қуриш, 10 749 млрд. сўми 2 611 та объектни реконструкция қилиш ва 51 920 млрд. сўми ускуна ва механизмлар сотиб олиш учун режалаштирилган.

Банклар томонидан шу йилнинг 1 октябры ҳолатига, 98 566 млрд. сўм режага нисбатан 84% маблағ ўзлаштирилган (шу жумладан, 16 672 млрд. сўм миллий валютада ва 8 743 млн. АҚШ доллари тенг маблағ хорижий валютада, шундан 6 485 млн. АҚШ доллари банклар томонидан тўғридан-тўғри жалб қилинган кредитлар ҳисобигадир).

Жорий йилнинг 9 ойи яку-

нига кўра банклар томонидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳалардан 10 131 та объект ишга туширилган ва 80 595 та янги иш ўрни яратилган. Ишга туширилган корхоналар томонидан 56 263 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳсулотни 50 104 млрд. сўмлик истеъмолчиларга сотилган, шу жумладан, 1 735 млн. АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган.

Тижорат банкларни инвестицион фаоллик рейтингини аниқлаш методологиясига мувофиқ, 2019 йилнинг 9 ойи якунларига кўра, Сифат ва даромадлилик кўрсаткичлари бўйича кўзда тутилган 40 балдан 28,2 бал тўплаган, Хатарлар билан боғлиқ кўрсаткичлари бўйича кўзда тутилган 25 балдан 24,1 бал тўплаган, Самарадорлик кўрсаткичлари бўйича 20 балдан 19,6 балга эришган, Ҳажмий кўрсаткичлар бўйича 15 балдан 13,1 бал олган жами 85,6 бал тўплаган "Ўзсаноатқурилиш банки" рейтинг рўйхатини биринчи поғонасини эгаллади. 82,4 бал тўплаб Акционер тижорат Ипотека банки иккинчи ўринга ва 81,4 бал тўплаган Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

FINANCEUZ хабар қилади

ЯНГИ
БАНК ХИЗМАТЛАРИ

Халқ банкида миллий валютадаги Ҳумо картасига буюртмалар қабул қилмоқда. Унинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- Савдо терминаллари ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида маҳсулотлар ҳақини тўлаш;
- карточкадаги пул маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш;



– банклар кассаси ва банкоматлар орқали нақд пул маблағлари олиш. Картада мавжуд бўлган қолдиқ маблағлар доирасида тасарруф қилиш мумкин.

Картани қўлга киритиш учун энг кам иш ҳақининг 8 фоизи миқдорида (17 840,0 сўм) тўлов амалга ошириб, 3 йил давомида уни ишлатиш имконига эгасиз.

Миллий банк томонидан янги "Ишончли" омонат тури чиқарилди. Мазкур омонат турунинг бошланғич бадали 100 000 сўм бўлиб, 18 ойга, фоиз устамаси йиллик 22%ли. "Ишончли" омонат турунинг афзалликларидан бири қўшимча бадаллар қабул қилинади ҳамда фоизлар ҳар ой электрон ҳамёнга ўтказилади. Омонат муддатидан олдин тугатилган ҳолда, фоизлар сақланган муддат учун тўланади. Жумладан, 6 ойдан кам бўлса, йиллик 0%. 6-17 ой учун - барча сақланган муддат учун йиллик 15%. Омонатни очиш ва ҳисобни тўлдириш фақат Milliy иловаси орқали амалга оширилади.

Асака банкда Soft-collection тизими ишга туширилди. Бу қарз йиғишнинг биринчи босқичидир ва у масофадан туриб амалга оширилади. Софт-коллекцион тизими қарз қайтариладиган муддат яқинлашгани ҳақида хабардор қилиш имконини беради. Яъни, агар сиз ҳисоблашиш ҳақида унутган бўлсангиз, банк ходими сизга кўнғироқ қилиб, хушмуомалалик билан эслатади. Энг муҳими, кўнғироққа жавоб беришни унутмасангиз бўлди.

2019 ЙИЛ III ЧОРАК ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ
ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК РЕЙТИНГИ НАТИЖАЛАРИ

№	Банк номи	Банкларнинг тўплаган баллари				Банкнинг якуний бали
		Сонли ва ҳажмий кўрсаткичлар гуруҳи бўйича (макс. -15)	Самарадорлик кўрсаткичлари гуруҳи бўйича (макс. -20)	Хатарлар билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи бўйича (макс. -25)	Сифат ва даромадлилик кўрсаткичлари гуруҳи бўйича (макс. -40)	
1	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	13,55	19,59	24,11	27,79	85,0
2	"Ипотека-банк" АТИБ	11,60	17,79	21,39	31,17	82,0
3	ЎзР МБ ТИФ	12,42	18,83	20,16	29,66	81,1
4	"Асака" АТБ	12,54	17,93	19,54	30,34	80,4
5	"Қишлоқ қурилиш банк" АТКБ	11,15	17,52	17,66	25,79	72,1
6	"Ипак Йўли" АИТБ	10,81	15,24	19,14	26,28	71,5
7	"Агробанк" АТБ	9,04	11,93	21,45	27,24	69,7
8	"Invest Finance Bank" АТБ	8,00	13,17	22,72	25,59	69,5
9	Туронбанк" АТБ *	9,51	6,69	22,30	25,17	63,7
10	АТ Халқ банки	9,68	14,07	18,39	21,52	63,6
11	"Asia Alliance bank" АТБ	8,97	15,38	17,08	21,93	63,4
12	АТ "Алоқабанк"	9,46	15,10	17,18	19,86	61,6
13	"Трастбанк" ХАБ	9,33	11,38	12,77	26,28	59,8
14	"Капиталбанк" АТБ	9,08	12,34	13,39	23,86	58,7
15	"Ориент Финанс" ХАТБ	7,30	11,03	12,77	25,79	56,9
16	"Микрокредитбанк" АКБ	7,57	8,83	14,00	26,21	56,6
17	"Hamkorbank" АТБ	7,16	12,76	19,54	16,97	56,4
18	АТБ "Универсал банк"	2,62	4,76	23,85	22,76	54,0
19	"Ўзагроэкспортбанк" АТБ	5,00	8,62	11,54	24,55	49,7
20	"Hi-Tech bank" ХАТБ	4,19	8,41	11,54	24,34	48,5
21	"Савдогар" АТБ	4,28	8,28	11,54	24,14	48,2
22	"Пойтахтбанк" АЖ	2,81	6,21	11,54	26,83	47,4
23	"Ziraat Bank Uzbekistan" АЖ	3,69	4,97	17,08	16,48	42,2
24	"ҚДБ Банк Ўзбекистон" АЖ	3,48	7,31	11,54	15,59	37,9
25	"Мадад Инвест Банк" АТБ	1,68	5,03	17,08	13,93	37,7
26	"Туркистон" ХАТБ	2,90	6,34	6,00	11,38	26,6
27	"Ravnaq bank" ХАТБ	0,00	0,00	0,00	0,00	0,0
28	"Садерат" ШБ	0,00	0,00	0,00	0,00	0,0
29	"Давр-банк" ХАТБ	0,00	0,00	0,00	0,00	0,0

"Ahor-Reyting" Рейтинг агентлиги

ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛГАН ЙИҚИЛМАЙДИ

Бугун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонида айланди. Қайси гўшага борманг, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқларда ҳар сафар қурилишга оид қайсидир мавзу муҳокамалар марказида бўлади. Кимдир уй-жойи ёки янги қурилган нотурар-биноси бузилганидан норози бўлса, жамоатчилик бунга ўз билганича муносабат билдирмоқда.

Умуман, қурилишга оид муурожаатларни иккига ажратиш мумкин. Биринчиси турар-жой иншоотлари бўлса, иккинчиси нотурар бинолар билан боғлиқ масалалардир. Шикоятлар матни турлича, бироқ мазмунан бири-бирига яқин. Банкдан кредит олиб, бино қуради. Янги иш ўрни яратади. Ҳокимиятдан келиб, бузишади. Тадбиркор касод ёқасида, бунга давлат — сиёсат айбдор. Хўш, бу қанчалик тўғри?

Қурилиш шундай кенг соҳаки, уни содда қилиб тушунириш учун кўп билим ва вақт талаб этилади. Шунга қарамай, нотурар бинолар тўғрисидаги айрим ҳолатларга халқчил тилда изоҳ беришни лозим топдик.

Нотурар бино нима, унга қандай бинолар киради? Бундай биноларни қуришда нималарга амал қилиш керак?

Бир қарашда кўплар учун жўн савол. Шунинг учун белгиланган тартибни санаб ўтмоқчи эмасмиз. Бироқ панд еганлар сонидан келиб чиқилса, аслида масалага жиддий ёндашиш талаб этилади. Содда айтганда, одамлар истиқомат қилмайдиган иншоотлар — нотурар бино ҳисобланади. Мисол учун дўкон, супермаркет, ёқилғи қуйиш шохобчаси, тўйхона, ишлаб чиқариш корхонаси ёки таълим муассасаси объектлари шулар жумласидандир.

Кўплаб тадбиркорлар қурилиш билан тўқнашади. Бунда иш ер майдонини танлашдан бошланади. Бироқ аксарият кишилар ер-майдонини масъул идоралардан эмас, балки таниш-билишлар орқали топишни



афзал кўради. Бинони қуриш учун банкдан олган кредитини сарфлайди ва кўп ўтмай бу қурилиш шахарсозлик талабларига зид эканлиги маълум бўлади. Оқибатта, “дод — дардимни ким эштади” қабилидаги муурожаатлар сони ижтимоий тармоқда яна биттага кўпаяди.

Демокримизки, ҳар қандай қурилишни бошлашдан аввал, унинг шахарсозлик талабларига мувофиқлиги борасида тегишли давлат идораларининг хулосаси олинмоғи лозим. Албатта, бунда қурилиш якунига қадар вазиятдан беҳабар қолган туман ёки шахар Бош архитекторининг ўз вазифасига лойиқлиги муҳимдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “тадбиркор бойимаса, давлат бойимайди”.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз ижтимоий тармоқлар бўладими ёки кундалик ҳаётда дунёқарашимизни ўзгартиришимиз даркор. Тўғри, барча соҳада низолар суд тартибида ҳал қилинади. Бироқ низони келиб чиқишида айбни аввало ўздан қидирмоқ ақллироқ қарордир. Очiq айтганда, билимсизлик хатоларнинг онасидир. Бунинг учун ўзгани балоғардон қилиш ва бунга бошқаларни ишонтариш ўрнига, камчиликни тан олиб мақсад сари тўғри одимласак марра бизники бўлади.

Ҳилола ҚОСИМОВА,
Республика суд экспертизаси маркази,
СҚТЭ бўлими эксперти.


ХАБАРЛАР

2019 йилнинг 14-20 октябрларида “ЎЗРТХБ” АЖ да 916,3 млрд сўмлик битимлар тузилди, бу эса аввалги ҳафтадаги натижага нисбатан 13,5%га юқори. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 27% га ўсиб, 439,1 млрд сўмни ташкил этди.

БИРЖА САВДО НАТИЖАЛАРИ

Шу жумладан биржа савдоларининг ҳажми 721,1 млрд сўмдан 807,2 млрд сўмга ошди. Валюта савдо майдончаси орқали деярли 1,3 млн АҚШ долларга тенг товарлар сотилди. Экспортнинг таркибида полимер маҳсулотларнинг улуши 85%, пахта толасининг улуши 9%, ва мотор мойининг улуши 6% ни ташкил этди.

Кўргазма-ярмарка савдоларининг ҳафталик ҳажми 25,4 млрд сўмни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар 3,3 млрд сўмни ёки тузилган битимларнинг 13% ни эгаллади.



Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича харид.uz махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг ҳажми 50,5% га ўсиб, 79,8 млрд сўмни ташкил этди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежалиши 20,1 млрд сўмни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида онлайн аукцион орқали 784 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 3,8 млрд сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 18,9% биринчи тоифадаги авторакамларга 48,9% иккинчи ва 32,3% учинчи тоифа авторакамларга тегишлидир.

finance.uz

МУЛОҲАЗА

ШАҲАР КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАЁТГАН БАНК



Шукрки, бугун мамлакатимиз, хусусан шаҳарларимиз қиёфаси ҳавас қилгудай даражага етди. Бунга эса халқимизнинг покиза эътиқоди ва тозаллики, гўзаллики ғоят хуш кўриши сабабдир. Барча соҳаларда кузатилаётгани каби банк тизими ҳам босқичма-босқич ривожланиб бораётди. Шунинг баробарида банклар ўз ишхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш филиалларини кўркам, муҳташам қилиб бунёд этиб бормоқдалар.

Бу ислохотлар самараси ўлароқ пойтахтимиз аҳоли ва меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш муассасалари замонавий дизайн ва City стандартлари асосида кўр тўкиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг пойтахтимизнинг Яшнобод туманига ташрифи чоғида Дўстлик метросидан Кўйлик

бозоригача узунлиги 52, 1 километр бўлган ер усти метросининг қурилиши ишлари билан танишиб, зарур кўрсатмалар бериши бежиз эмас. Айнан шу Тошкент кичик халқа йўлига шаҳар марказидан Муқомий кўчаси бориб туташади. Бу кўча эса бошидан охиригача атрофига турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар, оромгоҳ ва сайилгоҳлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Хусусан йўл бўйидаги Ашхобод сайилгоҳи ҳамда Экопарк одамлар билан гавжум.

Бунга кўшимча равишда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Яшнобод филиали атрофини шундай кўркам қилиб қўйилдики, кўриб ҳавасингиз келади. Филиал атрофи айна дамда кичик сайилгоҳга айлантирилган.

Шундоқ чорраҳа ёнида муסיқали фаввора кишилар кўзини яшнатиб туради. Айниқса, кечки пайт одам-

лар ишдан қайтиб шу ерда ҳордиқ чиқарадилар. Ёзининг жазирама кунлари бу ерда одамлар ўзгача роҳат олишди. Муסיқали фавворанинг чор-атрофга сарин сабо билан сув пуркаши (аэрозол тарқатиши) чарчаган кишилар жисми-жонига роҳат беради, дейиш

мумкин. Бундан ташқари, банк филиали томонидан қурилган валюта айирбошлаш шохобчаси, чиройли ўриндиқлар ва кичкина кўшқлардаги митти кутубхона одамларга жуда кўл келди. Кичик сайилгоҳ майдончасидаги давлатимиз рамзи бўлмиш — ба-

ланд қилиб илинган улкан байроқнинг муסיқали фавворага монанд янграган миллий кўшиқларга мос хилпираши кишида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Маълумот учун айтиш лозимки, мамлакатимизда 10 мингга яқин маҳалла бўлса, шундан 474 таси Тошкент шаҳридадир.

Ҳар бир маҳалла ўз гузарига, чойхона, новвойхона, сартарошхона, ҳунармандчилик, баққоллик дўконлари, бозорчасига эга бўлган. Айни пайтда эса ана шулар билан бир қаторда банк филиаллари ҳам кўчаларга кўрк бўлмоқда. Истардикки, бошқа жойлардаги банкларнинг филиаллари ҳам “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг шу филиалидан ибрат олсалар арзийди.

**Нодирбек
ДАДАМИРЗАЕВ,**
Яшнобод тумани

Қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириб, аҳолини озиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлаш долзарб ва масъулиятли вазифалардан биридир. Бу борада эса энг тўғри ечим, мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнига эътибор қаратиш ҳисобланади. Яъни ушбу йўналишда фаолият юритувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаб, уларни мустақил равишда ташқи бозорга чиқиши учун молиявий кўмак бериш лозим.

ЖАҲОН БОЗОРИДА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

“Туронбанк” АТБ ҳам бу йўналишда самарали фаолият олиб бораётган молия муассасаларидан биридир. Хусусан, банк Тошкент вилояти Тошкент туманида ўз бизнесини бошлаган “MAVR” МЧЖга мева – сабзавотларни қайта ишлаш учун 692 минг АҚШ доллари миқдорида молиявий кўмак кўрсатди. Натижада, корхона Хитой ва Россия давлатларидан маҳсулотларни қайта ишлаш, қуриш, кукун шаклига келтириш ва қадоқлашга ихтисослашган замонавий технологияларни харид қилиб, ўрнатди. Эндиликда, корхона сут ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ҳамда қандолат фабрикаларига табиий сифатга эга мева – сабзавот кукунлари етказиб беради.

Тошкент вилоятида жойлашган ушбу корхона жорий йилнинг декабр ойида тўлиқ ишга тушиб, йилига 450-500 тонна тайёр маҳсулот тайёрлашни режалаштирмоқда. Ҳозирги вақтда у ерда ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Корхона вакилларининг сўзларига кўра, маҳсулотларга ҳозирданок Россия, Украина, Араб давлатлари, Қозоғистон, Польша каби 10 дан ортиқ мамлакатлар қизиқиш билдирмоқда.



– Ушбу лойиҳани амалга оширишдан асосий мақсад энг аввало, аҳоли ўртасида тўғри овқатланишни тарғиб қилишдир, – деди “MAVR” МЧЖ раҳбари Фарход Мухторхўжаев. – Яъни серкўёш заминимизда етиштирилган маҳсулотларни йилнинг тўрт фаслида ҳам асл ҳолатдаги фойдаси билан уларга етказишни истаймиз. Айни пайт ўн саккиз хил мева – сабзавотни қайта ишлаган ҳолда кукун шаклида тайёрладик. Булар помидор, бўлғор қалампир, қовоқ, олма ва лимон шулар жумласидандир. Бу йўналишда иш бошлашдан аввал, маҳаллий бозорни таҳлил қилдик ва ярим тайёр маҳсулотлар асосан Хитой давлатидан импорт қилинишини аниқладик. Шу боис уни ишлаб чиқаришни бошладик. Йилнинг охирида ишга тушиши режалаштирилган линиямизда қарийб 40 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, келгусида “Туронбанк” АТБ билан ҳамкорликда мазкур хомашёни ўзимизда шарбат, болалар бўтқаси каби тайёр маҳсулотга айлантиришни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Асосий мақсадимиз ички бозорни импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт ҳажмини оширишдир. Бунда эса, уларга “Туронбанк” АТБ яқиндан ёрдам берапти.



ҲАМ МАЛАКА ОШИРИШ, ҲАМ ТУРИЗМ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ишбилармонларнинг фойдали бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда банкларнинг ўрни аҳамиятли бўлмоқда.



Айниқса, ажратилаётган молиявий кўмакларнинг салмоғи йилдан йилга ошаётгани, йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият бошлашида муносиб туртки бўляпти. Бу жараёнда эса, кредит ҳужжатларининг тўғри ва қонуний расмийлаштирилиши, уларнинг барча норматив ва банк ички меъёрларига мувофиқлиги муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда муаммоли кредитларнинг сони кўпайиб, молия муассасаси ва миждоз ўртасидаги муносабатларда салбий ҳолатлар юзага келиши турган гап.

Шу каби жиҳатларни инобатга олган ҳолда “Туронбанк” АТБ доимий тарзда ўз ходимларининг ҳуқуқий онги, маънавий-маърифий савиясини юксалтириш ва қайта тайёрлаш мақсадида турли мавзуларга қаратилган ўқув-семинарларини ташкил этиб келмоқда. Шундай тадбирлардан яна бири Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилди. Унда асосий эътибор банк тизимида меҳнат қилаётган ҳуқуқшуносларнинг малакасини ошириш, хусусан иш жараёнида ҳуқуқ-тартибот органлари билан вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, ҳисоботларни тўғри юритиш, иқтисодий можароларда қандай ҳаракат қилиш каби масалаларга қаратилди.

18 - 19 октябрь кунларига мўлжалланган ўқув – семинарида “Туронбанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари, Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий суди раиси, молия муассасаси “Юридик хизмат департаменти”нинг барча ходимлари ва ҳудудлардаги филиалларнинг юристлари иштирок этишди.

Мазруазиҳилар Ўзбекистон Республикасида иқтисодий суд ишларининг биринчи ва юқори инстанция судларида юритилиши, кредит ҳужжатларининг расмийлаштирилишида йўл қўйилаётган хато – камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора – тадбирлари, муаммоли кредитларнинг судга қадар ва суд тартибида ундирилишининг асосий хусусиятлари, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг мазмун – моҳияти каби қатор мавзуларда ўз тақдиротларини намойиш этиб, йиғилганларга батафсил тушунтириш беришди.

Шунингдек, соҳа мутахассислари “Туронбанк” АТБ марказий амалиёт

бошқармаси ва филиаллар юристлари томонидан суд жараёнидаги кредитларни ундириш ва муаммолиларини бартараф этиш юзасидан жорий йилнинг III чораги якунлари бўйича эришилган натижаларни ҳам тақдим этишди.

Бундан ташқари, филиаллар ходимлари учун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ва ҳаётга тадбиқ этиш механизмлари тўғрисида маълумот берилди.

Айнан семинарда ушбу мавзуга тўхталиш банк ходимлари учун ҳам фойдали бўлди. Чунки коррупция иқтисоднинг локомотиви ҳисобланган банклар фаолиятига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис банкларда коррупцияга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш юристлар учун муҳим вазифадир. Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жазолар бўйича ҳам иштирокчиларга етарлича маълумот берилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Айниқса, банк юристларининг суд тизимида боғлиқ бўлган кўплаб саволлари ўз ечимини топди. Қолаверса, улар фаолиятида суд тизими ва банк ўртасидаги тушунмовчиликлар юзасидан ҳам ўз тақлифларини билдиришди.

Шунингдек, семинарнинг иккинчи кунинида бутун Республикадан ташриф буюрган “Туронбанк”нинг ҳуқуқшунослари Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган диққатга сазовор ва тарихий қадамжоларни кўздан кечиришди. Хусусан, дастлабки объект “Оқсарой” меъморий ёдгорлиги бўлди. Шунингдек, иштирокчилар Яқкабоғ туманидаги “Хўжа Илғор” қабристонидagi Хўжа Муҳаммад ибн ал-Қосим мақбарасини ҳам зиёрат қилишди. Қолаверса, воҳа аҳли учун энг муқаддас ҳудудлардан бири бўлган Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир зиёратгоҳига ҳам ташриф буюрилди. Бир сўз билан айтганда, бу сафарги семинар – тренинг ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Банк ходимлари ҳам ўз малакаларини оширишди, ҳам ҳудуднинг ички туризми ривожига ўз ҳиссаларини қўишди.

ХУШХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида янги барпо бўлган иккита кўп қаватли уй-жойни сотиш бўйича эълон берди.

УЙЛАР СОТУВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Халқимизнинг яшаш турмуш тарзини яхшилаш мақсадида, барча қулайликларни ўз ичига мужассам этган янги қурилган хонадонлар аҳолимиз учун ипотека кредити асосида тақдим этилмоқда. Кўп қаватли уй-жойларда 48 та хонадон ва ҳар бир кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида тижорат майдонлари жойлашган. Тижорат майдонларида аҳолининг узоғини яқин қилиш мақсадида дўкон, ошхона (кафе, ресторан) ва бошқа турдаги хизмат турлари ташкил этилади.

Ушбу кўп қаватли уй-жойлар икки ва уч хонали хонадонлардир. Икки хонали хонадонларнинг майдони 56,8 ва 57,2 кв.м. ва 3 хонали хонадонларнинг майдони 66,8 ва 67,3 кв.м.ни ташкил этади. Тижорат майдонларининг умумий майдони 547,8 кв.м. дан иборат. Ҳар бир уй-жойнинг атрофида дам олиш маскани, болалар майдончаси, автомобил турар жойи, чиқинди йиғиш пункти сингари қулайликлар яратилган.



“Ўзмиллийбанк” кўп қаватли уйларни сотишда арзон ва муддатли кредитини тақлиф қилмоқда. Уй-жойларни сотишда ҳар бир хонадон нархининг 15 фоиз бошланғич бадалини шакллантирган ҳолда 15 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр қўллаб йиллик 16 фоиз устама тўлаш шarti билан берилади. Тижорат майдонларини сотишда 5 йил муддатгача имтиёзли фоиз ставкаларда (18-24%) кредит ажратилади.

finance.uz



“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун республикаимизнинг турли ҳудудларига пресс-турлар ташкил этиб келаётди. Мазкур тадбирларда журналистлар банкнинг молиявий кўмагида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиб, тадбиркорлар билан жонли мулоқотда бўлишмоқда.

Навбатдаги ана шундай пресс-тур жорий йилнинг 18-19 октябрь кунлари Андижон вилоятида ташкил этилди.

Пресс-тур дастлаб “Ўзмиллийбанк”нинг Андижон вилояти бўлимига ташриф буюриш билан бошланиб, журналистлар банк фаолияти ва хизмат кўрсатиш жараёнлари билан яқиндан танишишди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда “Ўзмиллийбанк” Андижон вилоят бўлими етмиш мингдан ошқ жисмоний ва 20 мингдан ортиқ юридик шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келаётди. Банкнинг миждозларни жалб қилишга қаратаётган эътибори натижасида йил бошидан буён уларнинг сони 18 304 тага кўпайди. Албатта, бу банк ходимларининг саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Қолаверса, банкнинг турли лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилган кредитлар суммаси 262 930,4 млн. сўмни ташкил этди. Шундан, хорижий валютада 587,2 минг АҚШ доллари ва 4,9 млн. Евро, миллий валютада эса 206 655,5 млн. сўмга етган. Хорижий кредит линиялари асосан Хитой Давлат Тараққиёт банки ва Германиянинг “АКА” банки кредит линиялари ҳисобидан ажратилмоқда.

– Мазкур маблағлар асосан ҳудудлардаги тадбиркорлик лойиҳаларини молиялашга йўналтирилаётди, – дейди Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон вилояти бўлими бошқарувчиси Ойбек Орифжонов. – Хусусан, 2019-2020 йилларда вилоят тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 755,3 млрд. сўм, шундан саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 41 та лойиҳага 533,0 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2286 та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари кун давомида Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида жойлашган “Nil Granit” МЧЖ корхонасига ҳам ташриф буюрдилар. Мазкур корхона 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, айна дамда у матони қайта ишлаб, 300 турдаги тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бир ярим мингга яқин ишчилар меҳнат қилаётган корхонада ходимлар учун барча шароитлар яратилган.

Корхонанинг “SAMO” бренди остида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари айнда дамда ички ва ташқи бозорда ҳам харидоргир. Шу боис, корхона йиллик ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида “Ўзмиллийбанк”дан 6,10 млн. АҚШ доллари миқдорида молиявий кўмак олди. Бунинг эвазига Европа мамлакатларидан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошиб, 4 500 тонна мато бўйш ва гул босиш салоҳиётига эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида экспорт ҳажмининг ҳам ўсишига таъсир этиши тахмин қилинмоқда. Унга кўра, жорий йил охиригача 7,0 млн. АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Корхона шу даврга қадар асосан, МДХ давлатларига маҳсулот сотган бўлса, келгусида АҚШ, Хитой, Тур-

кия, Араб ва Марказий Европа мамлакатларига ҳам маҳсулот етказишни режалаштирмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги “КНАХТЕХ- Group” масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюришиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишишди.

Банк томонидан ушбу кластер усулидаги корхона фаолиятини қўллаб-қувватлаш, учун 38,5 миллион Евро миқдорида кредит ажратилган. Мазкур маблағлар кластернинг тўлиқ шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шу давргача жамият фақатгина тор доирасида иш юритган бўлса, эндиликда у пахта етиштиришдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кластер корхонасига айланди. Бу лойиҳа 2019-2020 йилларда тўрт босқичда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Корхонанинг иш бошлаши натижасида йилига 10,4 минг тонна пахта толаси тўлиқ қайта ишланиб, 9,4 минг тонна ип-калава, 2,1 минг тонна трикотаж мато, 4 млн. п.м. газламалар ва 10,0 млн. донна тайёр трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга 1 500 дан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан таъминланиб, йилига 40 млн. АҚШ доллариан зиёд маҳсулотлар экспортга йўналтирилади.

Икки кунлик пресс-турда журналистлар “Open Andijan” халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этдилар. Самарали кечган форумда 30 яқин мамлакат делегациялари, халқаро молия институтлари вакиллари ҳамда маҳаллий тадбиркор ишбилармонлар ва ОАВ ходимлари қанташди. Форум доирасида жами 405 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри 22 та, шунингдек, 60 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 12 та экспорт шартномаси имзоланди.

Охунжон ХУШВАҚТОВ

ИЛМИЙ КАДРЛАР ЮРТ ИСТИҚБОЛИДИР

Илмий салоҳияти баланд давлатнинг келажаги ҳам юксак бўлади. Зеро илм, билим жамиятнинг олдинга қадам ташлашига замин яратди. Аҳолиси илм билан шуғулланадиган мамлакат эса, ўз йўлидан адашмайди, қўйган мақсадидан оғишмай олға боради. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ҳам илмий салоҳияти юксак кадрлар тайёрланади.

Улар ўз билимларини юрт иқболи, эл фаровонлиги йўлида сарфлаш билан бирга, ёш авлодга ўз билим ва кўникмаларидан сабоқ беради. Ана шундай истиқболли олимлардан бири иқтисодий фанлари доктори, қатор илмий рисола ва мақолалар муаллифи Ниязметов Исломбек Машариповичдир. Айтиш мумкин, олим академиянинг "Солиқлар ва солиқ солиш" кафедраси мудири лавозимидан ишлаб келмоқда. Яқинда у кишининг суҳбатига мушарраф бўлдик.

— *Хурматли Исломбек Машарипович, мамлакатимизда сўнгги йилларда илмий кадрларга бўлган талаб ортаётганини ҳукуратимиз томонидан чиқарилаётган қатор меъёрий ҳужжатлардан ҳам билса бўлади. Яқинда Олий Мажлис юқори палатасининг ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Қонун маъқулланди. Шу қонун ҳусусидаги фикрингизни билмоқчи эдим.*

— Биламизки, Ўзбекистонда илм-фан ва илмий фаолиятни тартибга солишчи ягона қонун ҳужжати шу пайтга қадар мавжуд эмас эди. Мазкур қонун илмий-тадқиқот фаолияти субъектлари, давлат ва илм-фан натижаларининг бошқа истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларни тўғри, адолатли ва самарали тартибга солиб бориш имкониятларини юзага келтиради.

— *Иш фаолиятингиз, илмий изланишларингиз солиқ соҳаси билан чамбарчас боғлиқ экан. Сиз нафақат солиқ соҳасининг назарий билимдонини, унинг амалий жиҳатларини ҳам мукаммал биладиган мутахассиссиз. Кўп йиллик кузатувларингиз натижасида мамлакатимизда солиқ сиёсатининг назарий ва амалий жиҳатларини мукаммал ўргангансиз. Ўтган давр ичидаги солиқ тизимига қандай баҳо бера olasiz.*

— Тан олиб айтишимиз керакки, мамлакатимизда солиқ тизими ўтган қарийб 30 йил давомида жуда нобарқарор бўлиб келди. Солиқ қонунчилиги ва солиққа тортиш механизмлари тинимсиз ўзгариб келди. Биргина Солиқ кодексининг ўзи охириги 20 йил ичида учинчи марта янги таҳрирда қабул қилинмоқда: 1998 йилда, 2008 йилда ва мана 2020 йилдан учинчи янги таҳрир! Ҳар сафар янги қабул қилинган Солиқ кодексига минглаб ўзгариш киритилиши оқибатида у яроқсиз аҳволга келиб қолмоқда. Бу биргина Солиқ кодексининг ўзи. Ундан ташқари солиққа доир яна ўнлаб қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам йиллар мобайнида тинимсиз ўзгариб, берқарор бўлиб, янгидан қабул қилиниб келмоқда. Солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги нимаси билан ёмон, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, солиқ тизимининг бунақа ўзгарувчанлиги шароитида бизнес барқарор ва соғлом ривожлана

олмайди. Чунки, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари узоқ ёки ўрта муддатли истиқболга бизнесрежа туза олмайди. Сабаби, миллий иқтисодиётда товар ва хизматлар якуний қийматининг ўртача 30-40 фоизи солиқлардан ташкил топадиган бир шароитда фирмалар ўз бизнесини солиқларни ҳисобга олмасдан туриб узоқ муддатга режалаштира олмайди. Бундай ўзгарувчан солиқлар шароитида фирмалар ўз фаолиятини фақат қисқа муддатгагина режалаштиришлари мумкин. Иккинчидан, ўзгарувчан ва олдиндан айтиб бўлмайдиган солиқ қонунчилиги инвесторларнинг иқтисодиётга сармоя киритишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Хўш, нима учун мамлакатда солиқ тизими барқарор эмас? Нима учун солиқ қонунчилиги доимий ўзгаришларга муҳтож? Амалий тажриба, кузатувлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, солиқ қонунчилигининг тинимсиз ўзгаришига сабаб солиқ тизимининг назарий фундаментал талабларга асосланган ҳолда тузилмаганлигидир. Ҳар қандай солиқ тизимига қўйиладиган фундаментал талаблардан энг асосийлари, булар — солиққа тортишнинг адолатли, бюджетга етарли, содда ва қайшиқоқ бўлиши, шунингдек, солиқ тизимининг самарали бўлишидир. Бирок, минг афсуски, Ўзбекистон солиқ тизими санаб ўтилган ва бошқа фундаментал талабларнинг биронтасига тўлиқ жавоб бермаган.

— *Ўзингизга маълумки, Янги солиқ Кодекси лойиҳаси кенг илмий жамоатчилик, мутахассислар томонидан муҳокама қилинмоқда. Сиз фаолият юритаётган ЎЗР Банк-молия академиясида ҳам ушбу муҳокамага бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу тадбирларда аҳоли фаровонлиги, тадбиркорлик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган таклифлар билдирилмоқдами?*

— Аввало бир нарсани ижобий баҳолаб айтишим керакки, охириги йилларда қабул қилинаётган қонунлар кенг омма эътиборига муҳокама учун тақдим этилаётган

нидан ташқари, ўз соҳасининг экспертлари ҳисобланмиш олимлар, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар иштирокидаги илмий жамоаларда ҳам махсус муҳокама қилинмоқда. Бу ҳолат жорий этилаётган қонунларнинг пишиқ-пухта ишлаб чиқишига, уларнинг ҳаётий бўлиб, эртага барқарор ишлаб кетишига замин яратади. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси ҳам худди шу тарзда соҳавий олий таълим муассасаларида бир неча мартаба, биргина Банк-молия академиясининг ўзида эса уч марта муҳокама қилинди. Давра суҳбатлари жараёнида академия олимлари ва тадқиқотчилари томонидан Солиқ кодекси лойиҳасига кўплаб фикрлар, эътирозлар, таклифлар ва тавсиялар бериб борилмоқда. Бундай фикрлар албатта, солиқ қонунчилигининг биринчи навбатда аҳоли фаровонлиги ва мамлакат иқтисодий ривожига

хизмат қилишини таъминлашга қаратилган.

— *Исломбек Машарипович, сиз ўз илмий фаолиятингиз жараёнида 31 ёшингизда, яъни 2008 йилда "Солиқ юқининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолияти ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб фан номзоди илмий даражасини олгансиз. Орадан 10 йил ўтиб "Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш" мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгансиз. Ёш бўлишингизга қарамай, бу зафарларга эришишда сизга нималар қучқувват бағишлаган. Қатъиятчилик, меҳнатсеварлик, сабрлиликми сизни ўз мақсадларингиздан оғишмай олдинга силжитган? Газетхонлар билан ўз ҳаётий тажрибаларингиз ҳақида ўртоқлашсангиз.*

— Илмий фаолиятда муваффақиятларга эришишимнинг асосида аввало ёшлигимда ўқишга, билим олишга бўлган чанқоқлигим ётибди. Илмга иштиёқимни кучайтирган, биринчи навбатда ота-онамдан ва таълим берган устозларимдан чексиз миннатдорман.

Қолаверса, давлат солиқ хизматидаги узоқ муддатли фаолиятим ҳам илмий ютуқларга эришишимда катта роль ўйнади. Айнан, солиқ тизимидаги бўшлиқлар, корхоналар

нинг кўз олдимда банкрот бўлиб қараётгани, аксарият тадбиркорларнинг яширин иқтисодиётга ўтиб кетётгани каби ҳолатларга жавоб топиш илинжи мени 2003 йилда Банк-молия академиясида таҳсил олишга етаклади.

Номзодлик диссертациямнинг асосини айнан 2003-2004 йилларда ёзилган магистрлик диссертация ташкил қилди. 2003-2008 йилларда олиб борган тадқиқотларим, асосан Ўзбекистонда солиқ юқини оптималлаштиришга қаратилган. Бу тадқиқотларда тадбиркорлик субъектларига солиқ юқини камайтириш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш ва шу орқали давлат бюджетига тушумларни барқарор кўпайтириб бориш мумкинлиги мамлакатимиз шароитида илмий асослаб берилган.

Ундан кейинги тадқиқотларим солиққа тортишнинг асосий механизмлари, хусусан, даромадларни, истеъмолни ва мол-мулкни солиққа тортишни комплекс такомиллаштириш, республика солиқ тизимини назарий жиҳатдан асосланган ва халқаро тан олинган фундаментал принципларга мослаштириш, қисқача айтганда, Ўзбекистон солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланди. Мазкур тадқиқотлар асосида 2015-2017 йилларда "Глобализация шароитида солиқ тизимини модернизациялаш, унинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш йўллари" мавзусидаги илмий лойиҳага раҳбарлик қилдим. Тадқиқот натижалари 2 та илмий монография (2016 йилда "Солиқ юқини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт", 2017 йилда "Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари"), хорижий ва маҳаллий илмий журналларда чоп этилган ўнлаб илмий мақолаларда, шунингдек, парламент ва мутасадди вазирликларга киритилган таҳлилий хатларда ўз аксини топди. Буларнинг барчаси, албатта, кишидан қатъиятчилик, мақсадга интилувчанлик, сабр-тоқат ва энг асосийси, меҳнатсеварлиқни талаб этади.

— *Ўз устозларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.*

— Устозларга ҳурматим чексиз. Шу даражага етишимда болалик ва ўсмирликдаги мактаб ўқитувчиларимдан тортиб илмий тадқиқотларимга бош-қош бўлган кадр баланд барча устозларнинг хизматлари бор. Ҳатто, давлат солиқ хизматидаги фаолиятимда ҳам устозларим бўлган.

Илм йўлимини ёритган устозларимни санаб ўтадиган бўлсам, аввало раҳматлик профессор Қосим ака Яхёевни номини тилга оламан. Чунки, у кишининг йўл-йўриқлари туфайли амалиётчи солиқ ходимида илмий ходим даражасига кўтарилдим. Шунингдек, профессорлар А.Ўлмасов, М.Юлдашев, Б.Ғойибназаров, Ш.Тошматов, А.Бекмуродов, А.Усановларга берган сабоқлари ва илм йўлида тўғри йўл кўрсатганликлари учун чексиз миннатдорчилик билдираман.

— *Маашақатли ва шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.*

УМИДА ХУДОЙБЕРГАНОВА
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

“МИЖОЗЛАРГА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ,
УЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАРИГА ПУЛ
МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА КИРИТИШ ВА
ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ, ИШ ҲАҚИ ВА ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН БОШҚА
ЭХТИЁЖЛАР УЧУН НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ
БЕРИШНИНГ ЎРНАТИЛГАН ТАРТИБЛАРИНИ
БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА
ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА”ГИ ҚАРОР, ШУНИНГДЕК УНГА
ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ЎЗ КУЧЕНИ ЙЎҚОТГАН
ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2019 йил 25 сентябрда 1044-3-сонли
рақами билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республика-
сининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-
5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ
Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага
мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/12-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Бошқарувининг 2019 йил 24
августдаги 21/12-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗ КУЧЕНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИЛАЁТГАН ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/22-сон “Мижоз-
ларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига
пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш,
иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган
бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини бериш-
нинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижор-
ат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат
рақами 1044, 2001 йил 30 июнь).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2006 йил 15 февралдаги 4/4-сон “Мижоз-
ларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига
пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш,
иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган
бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг
ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банк-
ларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида
низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат
рақами 1044-1, 2006 йил 21 февраль).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2013 йил 24 январдаги 2/4-сон “Мижозларга ҳисобварақлар
очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини
ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун
ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд
пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини буз-
ганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини
қўллаш тартиби тўғрисида низомига ўзгартиришлар киритиш
ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1044-2, 2013 йил 8 февраль).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ
ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 сентябрда
3030-2-сонли рақами билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг 16/18-сон қарори
“Ўзбекистон Республикасининг Мар-
казий банки тўғрисида”ги Қонунига
мувофиқ Марказий банк Бошқаруви
қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мар-
казий банки Бошқарувининг 2018

йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори
(рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2
июль) (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2018
йил 9 июль, 27-сон, 553-модда)

билан тасдиқланган Банк хизмат-
лари истеъмолчилари билан ўзаро

муносабатларни амалга оширишда
тижорат банкларининг фаолияти-
га қўйиладиган минимал талаблар
тўғрисида низомига иловага мувофиқ
қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон
қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/13-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги
21/13-сон қарорига
ИЛОВА

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ
ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қуйидаги мазмундаги 351-
банд билан тўлдирилсин:

“351. Тижорат банкларига:
жисмоний шахсларга хорижий
валютада кредитлар (қарзлар) бе-
риш ва кредитлар (қарзлар) бўйича
уларнинг мажбуриятларини хори-
жий валютада ҳисобга олиш;
илгари олинган кредитлар
(қарзлар) бўйича сўндирилмаган
муддати ўтган қарздорлик мавжуд
бўлган тақдирда жисмоний шахс-
ларга янги микромолиявий хизмат-
лар кўрсатиш тақиқланади.”

2. Қуйидаги мазмундаги 371 ва
372-бандлар билан тўлдирилсин:
“371. Қарз олувчи кредит

(қарз) бўйича гаровда турган
ўзининг депозитидаги (омонат-
даги) маблағларини кредит (қарз)
шартномаси даврининг хоҳлаган
вақтида депозит (омонатнинг)
амал қилиш муддатидан қатъи на-
зар, мазкур кредитни (қарзни)
қайтариш учун йўналтириш
ҳуқуқига эга.

Бунда, қарз олувчи кредит
(қарз) бўйича гаровда турган
ўзининг муддатли депозитида-
ги (омонатидagi) маблағларини
шартномада кўрсатилган депозит
(омонат) муддати тугагунга қадар
кредитни (қарзни) қайтариш учун
йўналтирмоқчи бўлса, у бу ҳақда

банкни депозитни (омонатни)
қайтаришни мўлжаллаётган сана-
дан камидан бир ой олдин хабардор
қилиши лозим.

372. Қарздордан кредитнинг жо-
рий тўлови учун кредитни (қарзни)
қайтариш жадвалида белгиланган
суммага нисбатан кўп маблағ келиб
тушса, у ҳолда банк келиб тушган
мблағнинг ортиқча қисmini қарз
олувчининг кредитининг (қарзининг)
асосий қарзини сўндиришга
йўналтиради ҳамда кредит (қарз)
суммасини қайта ҳисоблайди, агар
шартномада бошқача тартиб белги-
ланмаган бўлса.”

3. 3-боб қуйидаги мазмундаги 3
параграф билан тўлдирилсин:

“3-§. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН САНКЦИЯЛАРИН ҚЎЛЛАШ

401. Марказий банк қонун
ҳужжатларида назарда тутилган
барча зарурий ҳужжатлар тақдим
этилганидан кейин банклар то-
монидан ҳисобварақларда очишда
сабабсиз кечиктирилганлик ёки
очишдан бош тортганлик, шунинг-
дек мазкур турдаги ҳисобварақ
очиш учун ортиқча ҳужжатларни
талаб қилганлиги учун банк устав
капитали энг кам миқдорининг
0,02 фоизи миқдориди жарима
тўлайди.

402. Банклар томонидан иш
ҳақи ва қонун ҳужжатларида на-
зарда тутилган бошқа эҳтиёжлар
учун ўз вақтида нақд пул бермаган-
лик учун мижозларга, шу жумла-
дан, тадбиркорлик субъектларига
улар ҳисобварақларида маблағ
бўлганида банк устав капитални
энг кам миқдорининг 0,005 фоизи
миқдориди жарима тўлайди.

403. Қонун ҳужжатларида
ўрнатилган мижозлар ҳисобварақ-
ларига пуллари ҳисобга кири-
тиш ва ҳисобдан чиқариш тарти-
бини бузганлик учун, электрон
тўловларни амалга оширишнинг
ва хато амалга оширилган элек-
трон тўловларни қайтаришнинг
ўрнатилган муддатларини бузишни

истисно этган ҳолда, банк ҳар бир
ҳолат учун банк устав капитални
энг кам миқдорининг 0,01 фоизи
миқдориди жарима тўлайди.

Электрон тўловларни амалга
оширишнинг қонун ҳужжатларида
белгиланган муддатлари банк то-
монидан бузилган тақдирда, у
мижозга кечиктирилган ҳар бир
кун учун кечиктирилган электрон
тўлов суммасининг 0,1 фоизи
миқдориди, лекин кечиктирилган
электрон тўлов суммасининг 10
фоизидан кўп бўлмаган миқдорда
пеня тўлаши шарт.

Банкнинг айби билан электрон
тўлов нотўғри амалга оширил-
ган тақдирда, у маблағни хатолик
аниқланган кундан кейинги иш
кунидан кечиктирмасдан олув-
чининг ҳисобварақига ўтказиши
шарт. Акс ҳолда, мижоз банкдан
мблағларни қайтаришни, шунинг-
дек кечиктирилган ҳар бир кун учун
нотўғри амалга оширилган элек-
трон тўлов суммасининг 0,1 фоизи
миқдориди, лекин нотўғри амалга
оширилган электрон тўлов сумма-
нинг 10 фоизидан кўп бўлмаган
миқдорда пеня тўлашни қонун
ҳужжатларида белгиланган тартиб-
да талаб қилиш ҳуқуқига эга.

404. Мазкур Низомининг 402 ва
403-бандларида тижорат банклари
учун назарда тутилган санкциялар
банк ва мижоз ўртасида тузилган
шартномасида кўрсатилиши шарт.

405. Банклар қуйидаги ҳолларда
жарима тўлашдан озод қилинади:

а) форс-мажор ҳолатлари, шу
жумладан, банклараро электрон
тўловлар тизимида рўй бериши
мумкин бўлган узилиш;

б) банк мижози томонидан амал-
даги қонунларда белгиланган та-
лабларга мос келмайдиган тўлов
ҳужжатлари тақдим қилинганда;

в) қонунларда белгилан-
ган тартибга банк ёки мижоз
ҳисобварақлари бўйича операция-
лар тўхтатилганда.

406. Тижорат банкларига нис-
батан мазкур параграфда назарда
тутилган жарима жазо чораларини
қўллаш суд қарорига асосан амалга
оширилади. Бунда бу каби низола-
р юзасидан мижозларнинг ўзлари то-
монидан судга даъво киритилади.

407. Мазкур Низомининг 401 —
403-бандларида мувофиқ банк то-
монидан тўланган жарима суммаси
қисман қонунбузарликка йўл қўйган
банк (филиали) раҳбари ва бош бух-
галтери томонидан қопланади.”

ЭНГ ШОВ-ШУВЛИ КИБЕРЖИНОЯТЛАР

2018 йил дунёда ахборот технологияларига оид янгиликлар, шу жумладан интернетнинг салбий жиҳатларига оид воқеликларга тўла бўлди. CNIP ўтган йилнинг энг шов-шувли киберхужумлари ҳақида маълумот тўплади.



ҲИНДИСТОН ЭЛЕКТРОН ПАСПОРТИ

Ким томонидан амалга оширилди: номи номаълум давлат компанияси (Ҳиндистон)

• Жиноят мазмуни: ўзига хос идентификацион рақамлар, номлар, манзиллар, электрон почталар, телефон ва суратлар ўмариллиши

• Жабрланганлар: мамлакат аҳолиси

2018 йил январь ойида номаълум шахслардан иборат гуруҳ Ҳиндистонлик фойдаланувчилар WhatsApp иловасига 500 рупия эвазига Aadhaar маълумотлар базасига кириш имкони тақдим этилишига оид янгиликларни тарқатган. Базага хизмат кўрсатган IT-компания маълумотларни муҳофаза этишгунга қадар мамлакатнинг 1,1 миллиарддан ортиқ аҳолисига оид паспорт маълумотлари исталган одамга очик бўлиб қолди. Айтиш жоиз, электрон ID рақами – бу фуқароларнинг шахсий ҳамда молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларга йўлдир.

Шундай қилиб, Ҳиндистон халқининг деярли 98 фоизи хавф остида қолганди.

АҚШДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЎЧИРИШ ТУГМАСИ

• Ким томонидан амалга оширилди: Energetic Bear хакерлик гуруҳи (Россия)

• Жабрланганлар: Америкадаги электр узатувчи тармоқлар

2018 йил ёзда Россия компанияларидан бири ҳисобланган Energetic Bear даги хакерлар гуруҳи Германия ва АҚШ энерготармоқларига чуқурлаштирилган ҳужум уюштирди. Германияликлар зудлик билан масалани ҳал этишга киришди: хакерлар атиги бир нечта энергетик компаниялар тармоғига уланган вақтда хавфсизлик хизмати ходимлари дарҳол вазиятга аралашди ва барча хакерлар фаолиятини тўхтатиб қолишди. Бироқ америкаликларнинг бу борада омади юришмади: ФСБ мутахассислари баҳолашча, хакерлар электр тармоқларга шунчалик чуқур кира олганки, ҳатто уларда мамлакатда чироқни бутунлай ўчириш ва ёқа олиш имкони бўлган.

Албатта, махсус мутахассислар аралашуви билан бундай ҳужум ўз вақтида бартараф этилди ва хакерларнинг нияти амалга ошмай қолди.

СИЁСИЙ FACEBOOK

• Ким томонидан амалга оширилди: Cambridge Analytica компанияси (Буюк Британия)

• Жиноят мазмуни: шахсий профилдаги маълумотлар, дўстлар рўйхати

ва шахсий ёзишмалар орқали сиёсий нуктаи назарлар ҳақида маълумот тўплаш

• Жабрланганлар: АҚШдаги президент сайлови

Бу можаро икки йилдан буён давом этаётган бўлиб, 2018 йил сентябрдагина суриштирувга оид маълумотлар бўйича якуний ҳулоса тақдим этилди.

Буюк Британиянинг Cambridge Analytica компанияси Facebook ва фойдаланувчиларнинг рухсатисиз 87 миллиондан ортиқ аккаунтларга оид маълумотларни тўплади, шунингдек шахсий маълумотларни “тарқатиш” мақсадида Facebook даги кодлардан фойдаланди. Суриштирув бўйича расмий изоҳга кўра, маълумотлар “электратни ихтисослаштириш” мақсадида қўлланилган. Яъни америкалик ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг сиёсий нуктаи назарини аниқлашга қаратилган.

АҚШ махсус хизмати вакиллари таъкидлаганидек, бу ишлар Дональд Трампнинг сайловда ғалаба қозониши учун қилинган.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ ОРҚАЛИ КРИПТОМАЙНИНГ

Ким томонидан амалга оширилди: номаълум

• Жиноят мазмуни: процессорлар манбаси

• Жабрланганлар: Буюк Британия, АҚШ ва Австралия фуқаролари

2018 йил февраль ойида Ian Thornton-Trump ва Scott Helme тадқиқотчилари кўпчиликини саросимага тушириб қўйди: аниқланишича, Буюк Британия ҳукуматининг расмий вебсаҳифаси криптомайнерлар томонидан зарар кўрган. Криптомайнер “вируси” сайтга кирувчиларнинг процессорлари манбасини “ўмарувчи” вирус бўлиб, криптовалюталарни “майн” қилишга ихтисослашган. Гап шундаки, Европада бағрикенглик ва ўзига хосликка оид барча қоидаларга мувофиқ сайт Browsearchcloud номли плагин билан жиҳозланган бўлиб, унинг ёрдамида матнларни кўзи ожиз инсонлар ҳам ўқий олиши мумкин. Айнан ушбу плагинда вирус борлиги аниқланган.

Аксарият мамлакатларнинг хавфсизлик хизмати мутахассислари зудлик билан текширишга киришиб кетди: аниқланишича, зарарланган плагин давлат хизматлари кўрсатиладиган 4000 дан ортиқ сайтларда, нафақат Буюк Британия, балки Австралия ва АҚШда ҳам учраган. Давлат хизматларидан фойдаланган оддий фуқароларнинг қанча қисми ушбу “вирус”дан зарар кўрганлиги номаълум.

ФЭТ активларни харид қилишга доир дастурни ишга туширди ва ставкаларни туширди. Трамп талабига биноан долларнинг мавқеини тушириш қолди. Бу масалани сунъий йўл билан ҳал этишнинг имкони борми?

ДОЛЛАРНИНГ МАВҚЕИ ТУШАДИМИ?

АҚШ Федерал захира тизими ўзининг QE дастури орқали долларни синовдан ўтказиш тизимини ишга туширишни бошлади.

Бироқ тартибга солувчи эътибор қаратишни жоиз деб билган воситалар орқали ўз захираларини ҳамда қоғоз сотиб олиш суръатини қайта тиклаш ташаббуси билан валюта мавқеига салбий таъсир кўрсата олиши даргумон.

JP Morgan банки стратеги Николас Панигирцоглу Bloombergга берган интервьюда қайд этишича, ФЭТ қадамлари етарли даражада тез эмаслигини, шу боис қисқа муддатли ставкаларга бўлган кучли босим сақланиб қолиши орқали доллар қўллаб-қувватланишини маълум қилди.

Агар у ҳақ бўлиб чиқса, долларда қўйилмалар бўлишининг фойдаси катта бўлишига яна бир сабаб юзага келади. Гарчи ставкалардаги фарқдан ютадиган ва АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлиб келаётган бўлса-да, айрим башоратларда долларнинг мавқеи тушишига оид башорат ҳақиқатга тўғри келмаслиги мумкин.

Айни пайтда доллар мавқеининг тушиши АҚШ учун муҳим аҳамиятга эга вазифа саналади, эҳтимол уни бошқа йўللار орқали ҳал этишлари мумкин. Бугунги кунда долларнинг курси пасайиб бораётгандек туюлмоқда, бу ҳам етмагандек бу мажбурий хусусиятга эга бўлмоқда. Forex валюта бозорида айрим манипуляция ҳолатлари кузатилмоқда. Аниқ бўлишича, евро ва АҚШ доллари жуфтлиги кесин бир туртки билан тепага қараб кетаётган пайтда ушбу тезликни бироз пасайтиришга уринишлар учрамоқда.



Маркетмейкерлар (бозор нарҳини шакллантириш иштирокчилари) зиммасига алоҳида вазифа юклатилгандек туюлаяпти. Шубҳасиз, яқинда евро мавқеи ошиши учун етарлича омиллар мавжуд эди. Brexit бўйича келишувларга келингани ҳақида эълон қилинди, бироқ солиштириш учун Англия фунти курсидаги ўзгариш нисбатан эркин, бироқ еврога нисбатан беқарор тарзда ўсди.

Эслатиб ўтаимиз, АҚШ президенти Доналд Трамп АҚШнинг савдо бўйича рақобатчилари валюталарига нисбатан долларнинг қийматидан хавотирда эканини маълум қилган эди.

Бироқ ФЭТ ҳанузгача айирбошлаш курсига деярли эътибор қаратмади ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида узоқ муддатли ставкаларни пасайтиришга йўналтирилган QE дастурига амал қилиш орқали долларнинг мавқеини сунъий пасайтиргандек қилиб кўринмаслиқни истарди.

Панигирцоглу маълум қилишича, ФЭТнинг вазифаларни бажариш муддатини четга сурар экан, векселлар 16 триллион долларлик газна маблағи билан бозорнинг катта бўлмаган улушини ташкил этади. Жорий суръатларда Марказий банкка доимий захира маблағи тахминан 400 миллиард АҚШ доллари етказиш учун деярли олти ой керак бўлиши тахмин қилинмоқда.

Валюталар корзинасида долларнинг қийматини кузатиб борадиган Bloomberg Dollar Spot индексига кўра, сўнгги йилда тахминан долларнинг қиймати 2 фоиз ўсди.

Бутун дунёда пластик чиқиндиларнинг зарари ҳақида кўп гапирилади. Европанинг айрим мамлакатларида пластик идишларни ишлатиш таъқиқланади, айрим замонавий бренд остидаги фирмалар қайта ишланган пластиклардан спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Бироқ яна бошқа давлатларда пластик пакетлар дўконларда бепул тарқатилишида давом этмокда. Хўш, ҳақиқатдан ҳам пластик экологияга зарар келтирадими? Улардан бутунлай воз кечишнинг имкони борми? “Нефтехимия РФ” (Россия) наشريда шу ва бошқа саволларга жавоб изланган.

НИМА САБАБДАН БУТУН ДУНЁДА УНГА ЭҲТИЁЖ КАТТА?

Сабаби пластик маҳсулот кундан кунга кўпайиб бормокда? Гарчи пластмасса саноат миқёсида атиги 70 йил аввал ишлаб чиқарила бошланган бўлса-да, инсоният аллақачон 9 миллиард тоннадан ортиқ турли хилдаги пластик маҳсулотлар: ланч-боксдан тортиб шарикли ручкаю электр устуни ҳамда жиҳозларига эга. Танқидга учраётган пластик буюмларнинг асосий қисми қисқа муддат хизмат қиладиганлари, яъни қадоқлаш мақсадида ишлатиладиган пластиклардир. Дунё бўйича ҳар сонияда 20 минг дона янги пластик банкалар ишлаб чиқарилади. Уларнинг аксарияти фойдаланилгач чиқиндихонага ташлаб юборилади.

УНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ ҲАМ БОРМИ?

Бор, албатта. Умуман олганда пластик – қулай маҳсулот ҳисобланиб, шу боис унинг сони кўпайиб бормокда. Енгил, мустаҳкам ва қиймати арзон бу маҳсулот металл, шиша ва тахта ўрнини қоплаши билан инсоният ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилади. Унинг таркибидаги полимерлар турли соҳаларда эврилишни юзга келтирди. Пластиклардан бир марталик шприцлар, қон қуйиш ёлғофлари ва протезлар ишлаб чиқарилади. Пластик қувурлар узок муддат хизмат қилиши билан кўпчиликка маъқул. Пластмассали деталлар автомобиль ва самолётларнинг вазни нисбатан енгил бўлишига, бу эса ёнилғи сарфи камайишига сабаб бўлади. Герметик ва ишлаб чиқариши оддий ҳисобланган пластик қадоқлар ичимлик ва озиқ-овқатларни хавфсиз олиб юриш имконини беради.

У НИМАДАН ТАРКИБ ТОПГАН?

Пластик – бу йирик молекулалар занжиридан иборат полимерлардан сунъий равишда ишлаб чиқарилган маҳсулот. Маҳсулот таркибининг ўзига хос хусусияти – букилувчан-

лигида, иссиқликда унинг шаклини ўзгартириш мумкин, бироқ совуғач, у мустаҳкам буюмга айланади.

Пластик нефть, табиий газ ва кўмрдан ажралиб чиқадиган моддадан ишлаб чиқарилади. Қазиб олинadиган нефть таркибидаги йўл-йўлакай нефть газ деб номланувчи моддадан ҳам олинади. Гап шундаки, эндигина қазиб олинган нефтни зудлик билан магистрал нефть қувурига йўналтириб бўлмайди – аввалога юқорида айтилган газни утилизация қилиниши талаб этилади. Хусусан, маълумотларга кўра, Россиядан атмосферага чиқадиган зарарли чиқиндиларнинг 12 фоизи айнан йўл-йўлакай нефть газ деб идирилганидан чиқади. Бироқ кимёвий компаниялар нефть қазиб олувчилардан бу газни харид қилади ва улардан полимерларни ишлаб чиқаради. Масалан, Россиянинг “СИБУР” компанияси йилига атмосферага 7 миллион тонна зарарли чиқиндилар ва 71 миллион тонна буғ газининг атмосферага чиқишига йўл қўймайди.

ПЛАСТИК ФИЛОФ ЁКИ ҚОПҚОҚЛАРДА УЧБУРЧАК ИЧИДАГИ РАҚАМЛАР

Бу маҳсулот пластикнинг қандай туридан ишлаб чиқарилганини аниглаувчи мажбурий қадоқлаш рақамларидир. Доира ичидаги кўрсаткичлардан иборат учбурчак белгиси эса, маҳсулотни қайта ишлаш мумкинлигини аниглайди. Рақамлар эса буюм қандай турдаги моддадан ишлаб чиқарилганини билдиришини юқорида қайд этдик. Уларнинг сони эса 7 та.

1. Полиэтилентерефталат (ПЭТ) – пластик банка, кийим, бир марталик идишлар, соус ва косметик маҳсулотлар қадоғида ишлатилади.

2. Юқори қатламли полиэтилен (НОҚП) – ундан сув, газ таъминоти қувурлари, маиший кимё маҳсулотлари идишлари, уйинчоқлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

3. Поливинилхлорид (ПВХ) – дераза ромлари, гул қоғозлари, баннерлар, сунъий чарм, автомобиллардаги пластик деталларда фойдаланилади.

4. Паст қатламли полиэтилен (ПҚП) – озиқ-овқатда қўлланиладиган пакетлар, қоплаш, иссиқхона, тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотларда ишлатилади.

5. Полипропилен (ПП) – улардан овқат учун идиш, болалар банкалари, бир марталик шприцлар, тагликлар, косметик қадоқлар, қувурлар, гилам, курсиларни ишлаб чиқариш мумкин.

6. Полистирол (ПС) – иссиқлик ушловчи маҳсулотлар, қадоқлар, бир марталик идиш ва йўлларда қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

ПЛАСТИК ИДИШЛАР ЗАРАРЛИМИ?



7. Пластикнинг бошқа турлари – поликарбонат, полиамид ва бошқа турдаги маҳсулотлар.

У СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИМИ?

Юқорида қайд этилганидек, “пластик” деганда турли хил маҳсулотларни назарда тутиш мумкин экан. Кейинги йилларда муайян шароитларда айрим маҳсулотлар инсон саломатлигига зарар келтириши ҳақида кўплаб маълумотлар учраб турибди. Масалан, поликарбонатли пластикларда 150 градус қиздирилганида ўзидан бисфенол А номли биологик актив кимёвий модда ажралиб чиқади. Айни пайтда пластик маҳсулотларнинг инсон саломатлигига зарарини ҳисоблаш жуда мураккаб. Сабаби кимёвий моддалар атрофимизни ҳар доим куршаб олган. Аммо аксарият ишлаб чиқарувчилар ўзларининг пластик маҳсулотлари хавфсиз эканлигини исботловчи сертификатларни тақдим этмокда. Айниқса, бундай кескин талаблар тиббий, болалар учун маҳсулотлар ва егуликни қадоқлаш билан боғлиқ маҳсулотларга қўйилади. Сертификат тақдим этилмаган тақдирда бу маҳсулотлар контрафакт маҳсулот сифатида баҳоланиши мумкин, сабаби ишлаб чиқарувчилар сифатсиз хомашёдан фойдаланган бўлиши мумкин. “Нотўғри” пластикнинг энг кўзга ташланувчи белгиларидан бири – бу кескин нохуш ҳид ҳисобланади. Бундай маҳсулотдан фойдаланмаслик тавсия этилади.

БИР МАРТАЛИК ПЛАСТИК КЎП ЖОЙЛАРДА ТАЪҚИҚЛАНГАНИ РОСТИМИ?

Рост, бироқ бу таъқиқ айрим тердаги бир марталик маҳсулотлар – пластик идиш, пахтали тампонлар ва иккиламчи қайта ишлашнинг имкони йўқ маҳсулотларга нисбатан қўлланилади. 2021 йилдан бошлаб бундай маҳсулотлардан фойдаланиш Европа Иттифоқида мумкин бўлмаса, ҳозирги пайтда бундай таъқиқ Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда қўлланилмокда.

Европаликларнинг бу ислохоти асосан таъқиқлаш эмас, балки пластик чиқиндиларни қайта ишлаш зарурати билан боғлиқ. Бу аввало пластик банкаларга тааллуқли, боиси пластик чиқиндиларнинг 20 фоизидан 40 фоизгача бўлганлари айнан уларнинг улушига тўғри келади, бироқ аслида уларнинг 100 фоизи қайта ишланиши мумкин. Масалан, Буюк Британияда пластик банкаларнинг деярли ярми қайта ишланса, бошқа давлатларда,

хусусан, Германияда бу кўрсаткич 90 фоизга тенг. Россия Федерациясида 25 фоиз пластик банкалар қайта ишланади ва уларнинг сафи кенгайиб бормокда.

ЕЛИМ ХАЛТАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРИЛАДИМИ?

Пластик пакетлардан фойдаланиш айрим давлатларда таъқиқланади ёки чегараланади: масалан, Шри Ланка, Руанда, Кения, Камерун, Мали, Танзания, Уганда, Эфиопия. Айни пайтда пластиклар бўйича экологик стратегиялар ишлаб чиқилган Европа мамлакатларида бундай таъқиқлар йўқ. Гап шундаки, бундай пакетлардан воз кечилган тақдирда унинг муқобилини топишга тўғри келади, бу эса осон эмас. Масалан, Greenpeace маълумотида кўра, қоғозли пакет ишлаб чиқарилганда атмосферага бир ярим баробар кўп зарарли моддалар чиқади, сув чиқиндилари эса 50 баробар кўпаяди. Яхшиси, кўп маротаба ишлатиладиган табиий ёки синтетик маҳсулотлардан иборат халталардан фойдаланган маъқул.

ПЛАСТИК ЕМИРИЛИШИ УЗОҚ ВАҚТ ТАЛАБ ЭТАДИМИ?

Емирилади, бироқ жуда узок вақтда емирилади. Чиқиндихона ёки исталган ҳудудда пластик емирилиши учун бир неча юзлаб йиллар керак бўлади. Яқинда ёввойи табиат Жаҳон фонди пластик банканинг чириши жараёнини тўғридан-тўғри эфирга узатиш ишини бошлади. Гап шундаки, бу тасвир шунчалик узок давом этадики, ҳатто уни бугун яшаётган бирор бир инсон кўра олмаслиги аниқ. Дарё ва ер ости сувлари орқали пластиклар океанга бориб қолиши, у ерда микропластикларга бўлиниб, ҳайвонларга зарар келтириши мумкин. Балиқ ва денгиз маҳсулотларини тановул қилган инсонга ҳам таъсир кўрсатиши турган гап. Бундай оқибатларни бартараф этишнинг бир йўли – пластикни қайта ишлашга топириш ва ундан фойдали маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шунингдек, компаниялар бугунги кунда пластик чиришини тезлаштириш янги услубларини ишлаб чиқмокда ёки пластикнинг 3-6 ой давомида чирийдиган биомирилувчи турини кашф қилиш бўйича ишларни олиб бормокда. Бундай тури одатдагидек нефть маҳсулотларидан эмас, балки крахмал, ёғ, жўхори ва бошқа турдаги биомоддалардан тайёрланади. Бироқ уларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун ўрмонлар ва бошқа табиий майдонларни қисқартириш ҳисобига экиладиган ерларни кенгайтиришни тақозо этади.



КҮН НАФАСИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Айни кунларда пахта далаларида иш қизғин. Деҳқонлар офтобни кунларда пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан териб-йиғиштирмоқда. Кўпгина тадбиркорлар деҳқон меҳнатини енгиллатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида хориждан замонавий пахта териш машиналарини сотиб олмоқда.



Республикада биринчилардан бўлиб Сирдарё вилоятига Америка Қўшма Штатларининг "John Deere" компаниясида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги олти қаторлик ягона янги турдаги инновацион пахта териш машиналари келтирилди.

Юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатларини ва рақобатбардошликни қарор топтириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инновацияларни кенг қўламда жорий этиш орқали соҳаларни ривожлантиришга қаратилган таркибий ўзгартиришлар ва кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сирдарё вилоятига Сингапур давлатининг "Indorama" компанияси томонидан янги турдаги инновацион пахта териш машиналари келтирилди. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги соҳасига чет эл инвестициялари жалб қилинаётганини

кўрсатади. Яқинда ушбу пахта териш машиналари Оқолтин туманидаги пахта далаларида синовдан ўтказилди. Ушбу пахта териш машинаси бирваракайига 6 қаторни эгаллаб, пахтани айлана кўринишида тайёр қадоқ шаклига келтириб, битта қадоқ(пресс)да 2,5 тоннадан 2,7 тоннагача қадоқламоқда.

"John Deere 7760" машинаси кунига 40-50 гектар майдондан 80-100 тоннагача пахта териш имкониятига эга. Агар "John Deere 7760" пахта териш машинаси кунига ўртача 90 тонна пахта терса, бу 1400 нафар ишчи кучи тежалди деганидир. Яъни янги терим машинаси 1400 нафар теримчининг ишини бир кунда бир ўзи ҳал қилади.

Вилоятимизга бундай юқори унумли пахта териш машиналаридан 15 таси келтирилди. Энди "John Deere 7760" терим машинаси аҳолимизнинг оғирини енгил қилиб, оқ олтин хирмонини яратишда жуда кўл келади. 15 та терим машинасидан унумли фойдаланилса 1400 тонна пахта ҳосилини йиғиб беради.

Ушбу техниканинг афзаллиги аввало, пахтани нес-нобуд қилмасдан охиригача йиғиб-териб олиши, сўнгра ҳосилни қадоқланган шаклга келтиришида. Бу эса, пахта ҳосилини манзилга етказишда қатор қулайликлар яратади. Шу каби қулайликлар юртимизнинг барча ҳудудларида кенг ёйилса, нур устига аъло нур бўларди.

Вилоят ҳокимлиги
матбуот хизмати.



ТУЗАТИШ

"Банк ахборотномаси" газетасининг 2019 йил 17 октябрь 40-сонини 6-бетида "Рискларни самарали бошқариш – давр талаби"

номли мақолада муаллиф Равшан Баҳрамовнинг лавозими "Ипотека-банк" АТИБ Банк рискларини бошқариш департамент директори ўринбосари деб ўқиладди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Директор
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Умид ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz telegram каналимиз
@bank_axborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"
МЧЖ

Газета тахририятнинг техник ускуналарида
саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, "БАНК АХБОРОТНОМАСИ" ВА "БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ" ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

"Ўзбекистон почтаси" ва "Матбуот тарқатувчи" агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

"МАТБУОТ TONGI" МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

"СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ" – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

"SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

"KALEON INFORM" МЧЖ – (71-267-18-94)

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (71-244-19-63)

"ТОШКЕНТ МАТБУОТ" – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

"ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ" – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

"ФАЗО ИНФО" МЧЖ – (90-560-55-95)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт
соҳаларига доир батафсил
маълумотларни фақат
бизнинг газетамиздан ўқиш
мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича
мувожаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18

71 234 43 18


Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кўни чиқади.

Буюртма № г 1003

Адади 1719 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 23.10.2019 й.

1 2 3 4 5 6